

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ЮН ШИ НЕ**

**ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ХАЛҚЛАРИ  
ЖАМОА ИНСТИТУТЛАРИ ВА МАРОСИМЛАРИДАГИ  
ЎЗГАРИШЛАР**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Юн Ши Не**

Глобаллашув даврида ўзбек ва корейс халқлари жамоа институтлари  
ва маросимларидаги ўзгаришлар ..... 3

**Юн Ши Не**

Трансформация института общины и обрядов узбеков и корейцев  
в период глобализации ..... 27

**Yun Si Nae**

Transformation of the institution of communities and rituals of Uzbeks  
and Koreans in the period of globalization ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ЮН ШИ НЕ**

**ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ХАЛҚЛАРИ  
ЖАМОА ИНСТИТУТЛАРИ ВА МАРОСИМЛАРИДАГИ  
ЎЗГАРИШЛАР**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.4.PhD/Tag67. рақам билан  
рўйхатга олинган.**

---

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-  
саҳифасида (uzhistory.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да  
жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Адҳамжон Азимбаевич Аширов**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алишер Худойбердиевич Дониёров**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Очил Бўриев**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc.30.12.2019. Tag.56.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2020 йил «21» декабр соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. ЎзР ФА Тарих институти 2-қават. Мажлис залли). Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (+99871) 233-39-91) www.uzhistory.uz ЎзР ФА Тарих институти.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй).Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «11» декабрь куни тарқатилди.  
(2020 йил «11» декабр даги 14 рақамли реестр баённомаси билан).

**Азамат Зиё**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

**М.Х. Пайзиёва**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари номзоди

**Н.А. Аллаева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тарих фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Инсоният тарихининг ҳозирги босқичида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётда глобаллашув ва интеграция жараёнлари жадал кечмоқда. Бундай шароитда дунёнинг турли минтақаларида яшовчи миллатларга хос локал миллий маданиятларни этнографик материаллар асосида илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб илмий муаммолардан бири тарзида эътироф этилмоқда. Чунки, глобаллашув жараёнлари таъсирида дунё халқлари маданиятлари ўзаро уйғунлашиб, миллий чегаралар ўзининг миллий ўзликка хизмат қилишдек азалий аҳамиятини йўқотиб, миллат, миллий тил ва ноёб урф-одатлар унутилмоқда.

Дунёда иқтисодий, сиёсий, миллий, диний ва бошқа зиддиятлар кучайиб, ахборот маконларида қарама-қарши кураш ортиб бораётган тарихий бир даврда миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш нафақат Ўзбекистон, балки дунёнинг барча мамлакатлари учун долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда жаҳон миқёсида миллий-этник, диний, этномаданий ўзига хослик ва умумий жиҳатлар, турли миллатларга хос миллий генофондни сақлаб қолиш, ўзликни англашнинг тарихий, этнологик, фалсафий ва психологик жиҳатлари йўналишидаги тадқиқотларга жиддий эътибор қаратилмоқда<sup>1</sup>. Мавжуд тадқиқотлар кўрсатадики, ўзбек ва корейс халқлари тарихи, этномаданий анъаналари, миллий маданиятида кўплаб умумий жиҳатларга эга. Ҳар икки халққа хос миллий ментал хусусиятлар, оилавий ва жамоа институтлари тизимида кўплаб умумий жиҳатларни кузатиш мумкин. Айниқса, ўзбек ва корейс халқлари турмуш тарзида сақланиб келаётган жамоатчилик анъаналари, жумладан, Ўзбекистондаги “маҳалла” тузилмаси ва Кореядаги “маил” қишлоқ жамоаларида йўлга қўйилган анъанавий бир-бирига ёрдам бериш ва ҳамкорлик қилиш фаолияти кўп жиҳатдан жуда ўхшаш ва икки мамлакатнинг нечоғли яқинлигидан ёрқин далолатдир<sup>2</sup>.

Мустақиллик йилларида, айниқса сўнг йилларда Ўзбекистонда яшовчи турли этнослар миллий мероси, тарихий қадриятлари ва анъаналарига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда мамлакатда олиб борилаётган миллий-этник сиёсат ҳам Республикада истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг манфаатларига тўла мос келади. Жумладан, жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний

---

<sup>1</sup> Researches of University of Cambridge - The material culture [//www.ucl.ac.uk/anthropology/people/academic\\_staff/d\\_miller](http://www.ucl.ac.uk/anthropology/people/academic_staff/d_miller); Researchers of Department of Anthropology [//www.indiana.edu/~anthro/research/publications.shtml](http://www.indiana.edu/~anthro/research/publications.shtml); Researchers of Oregon State University – Food in culture and Social justice [//liberalarts.Oregon\\_state.edu/slcs/fcsj](http://liberalarts.Oregon_state.edu/slcs/fcsj); Гингрис А. Меняющиеся контексты, меняющееся содержание: о статусе социокультурной антропологии в немецкоязычных странах // ЭО. – 2005. – №2. – С. 32-42.

<sup>2</sup> Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг “Халқ сўзи” газетасига берган интервьюси // Халқ сўзи. 2019 йил 18 апрель. Қаранг: <http://xs.uz/uzkr/post/prezident-mun-chzhe-in-koreya-respublikasi-va-ozbekiston-respublikasining-zhadal-yaqinlashuvi-zamirida-dostlik-va-ishonch-munosabatlari-muzhassa>

кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони муҳим аҳамият касб этди. Фармоннинг бешинчи устувор йўналиши доирасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда миллатлараро муносабатлар масалаларини янгича илмий-назарий ёндашувлар асосида чуқурроқ илмий ўрганишга катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПК-4602-сон Қарори ҳамда соҳага оид бошқа ҳуқуқий - меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқотга доир адабиётларни қуйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

- Корейслар жамоавий ҳаётига оид адабиётлар.
- Ўзбекларда жамоа муносабатларига бағишланган нашрлар.

Жамоа институти ҳақида корейс олимларининг тадқиқотлари орасида аввало Чосон қироллиги ва Япониянинг мустамлакачилиги даврида олиб борилган илмий изланишлар бўлиб, улар асосан давлат сиёсатини янада мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган. Чунки, Чосон даврида конфуцийлик ҳукмрон мафкурага айланганидан аҳолининг турмуш тарзини конфуцийлик ғояларига мослаштириш учун, мустамлакачилик даврида эса Япониянинг Корея ҳудудида олиб борган мустамлакачилик сиёсатини самарали тарғиб қилиш мақсадда ҳукуматда маҳаллий аҳоли ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлишга ҳаракат қилинган.

Чосон даврига оид илмий адабиётлардан “조선왕조실록 (Чосон сулоласи йилномалари, 朝鮮王朝實錄)” номли асарни алоҳида қайд этиш жоиз. Аслида, ушбу асар Чосон сулоласининг 472 йиллик тарихини қамраб олган кўп жилдлик китоб ҳисобланган. Асар Чосон қироллиги тарихини ёритиши билан бир қаторда, ўша даврдаги сиёсат, дипломатия, ҳарбий ишлар, таълим-тарбия, иқтисодиёт, саноат, маданият, эътиқод, транспорт, коммуникация, санъат, миллий анъана, этикет ва урф-одатларни ҳам ўз ичига қамраб олган ўзига хос “қомус” эди.

XX асрнинг 70-йилларида индустрлаштириш ва урбанизация натижасида унутилган Маил жамоасини қайта тиклаш мақсадида бошланган

“Янги Маил қуриш ҳаракати” Сў Жин Кванг<sup>1</sup> ва Ким Хўнг Сун<sup>2</sup>ларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Масалан, Сў Жин Кванг ушбу ҳаракатнинг ўзига хос ютуқларига муфассал тўхталган бўлса, Ким Хўнг Сун эса мазкур ҳаракатнинг ўзига хос муаммолари ва камчиликларини акс эттириб, унга салбий баҳо берган эди.

Маилларни қайта тиклаш масаласига этнологик нуқтаи назардан ёндашилган қатор илмий тадқиқотлар ҳам мавжуд. Масалан, Ким Жае Хў<sup>3</sup> ва Чо Жонг Хён<sup>4</sup>нинг мақолалари ҳамда Пак Су Хён, Ким Тае Ёнг ва Ё Кван Хённинг<sup>5</sup> ҳаммуаллифлигидаги тадқиқотлари бунга яққол мисол бўла олади. Юқоридаги муаллифлар фақат иқтисодий йўналтирилган сиёсатларга танқидий фикр билдириб, Маил жамоасини самарали усулда тиклаш учун бутун аҳолининг ихтиёрий иштирокини рағбатлантирувчи маҳаллий анъана ва урф-одатлардан Корейсларнинг фарзанд туғилиши ва тарбиясига оид маросим ҳамда урф-одатларнинг анъанавийлик ва замонавийлик жиҳатлари таҳлил этилган адабиётлар сифатида Ким Жи Хён ва И Ўк Хи<sup>6</sup>, Мин Ха Ёнг ва Ю Ан Жин<sup>7</sup>, Жу Ёнг Ха<sup>8</sup>, Ким Ин Жу ва Жон Жонг Ми<sup>9</sup> каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларини алоҳида қайд этиш мумкин. Мазкур асарларда фарзанд туғилишидан то бир ёшга тўлгунигача бўлган даврда ўтказиладиган урф-одат ва маросимларнинг замонга мос равишда ўзгариши, яъни давом эттирилиши ёки йўқолиб кетиши сабаблари ҳамда уларнинг замонавий аҳамияти ёритилган.

Корейсларнинг анъанавий никоҳ тўйи маросимлари Ким Ёл Гюнинг асарида ўз аксини топган. Ушбу муаллиф тарихий адабиётлар, афсоналар ва адабий асарларда намоён бўлган қадимги ва ўрта асарлардаги никоҳ тўйларини ўрганган<sup>10</sup>. Шунингдек, Чосон даврида конфуцийлик таъсири кучайиши натижасида никоҳ маросимлари ва тўй либосларидаги ўзгаришлар Ко Бу Жа<sup>11</sup> ва Ким Мин Сонлар<sup>12</sup> томонидан ўрганилган. Аммо, Им Жае Хае

<sup>1</sup> 소진광. 지역사회 거버넌스와 한국의 새마을 운동. 한국지방자치학회. 한국지방자치학회보. 제 19 권 제 3 호 통권 제 59 호. – 2007.

<sup>2</sup> 김흥순. 근대화 프로젝트로서의 새마을 운동에 대한 비판적 고찰. 한국지역개발학회. 한국지역개발학회지. – 2000. – №12(2).

<sup>3</sup> 김재호. 마을 만들기와 마을민속의 활용방안. 한국민속학회. 한국민속학. 48. 2008.; 김재호. 마을 만들기 정책사업 비판. 안동대학교 민속학연구소. 민속연구. – 2009. – №18.

<sup>4</sup> 조정현. 공동체신앙의 축제화를 통한 마을 활성화. 안동대학교 민속학연구소. 민속연구. – 2009. – №18.

<sup>5</sup> 박수현, 김태영, 여관현. 문화마을만들기에서의 공동체의식 형성요인 연구. 한국지역개발학회. 한국지역개발학회지. – 2013. – №25(5).

<sup>6</sup> 김지현, 이옥희. 산속(産俗)의 지속과 변화 연구. 전남대학교 호남학연구원. 호남문화연구. 제 32 권 0 호. – 2003.

<sup>7</sup> 민하영, 유안진. 어머니 세대와 할머니 세대의 출생의례 및 아기행사에 대한 비교연구. 한국아동학회. 아동학회지. – 2003. – №24 (3).

<sup>8</sup> 주영하. 출생의례의 변용(變容)과 근대적 변화(變換): 1940~1990. 경희대학교 민속학연구소. 한국의 민속과문화. 제 7 권 0 호. – 2003.

<sup>9</sup> 김은주, 전정미. 한국산속(産俗)의 변화과정 탐색을 통한 유아교육적 의미고찰. 아시아교육연구. 서울대학교교육연구소. 제 13 권제 3 호. – 2012.

<sup>10</sup> 김열규. 한국인의 혼례. 현실문화연구. – 2006.

<sup>11</sup> 고부자. 조선시대 민간의 혼례풍속과 복식. 원광대학교 종교문제연구소. 한국종교. 27 권. – 2003.

<sup>12</sup> 김민선. 고조선·삼국시대·고려·조선 시대의 결혼 풍속도와 화장 복식 및 헤어 스타일 고찰. 한국뷰티아트학회. 한국뷰티아트학회지. – 2004. – №2(1).

ўз мақоласида куёвни осиб кўйиш каби одатларни мисол тариқасида келтириб, конфуцийлик таъсирида ҳам никоҳ тўйлари ўзига хос феминистик хусусиятларини йўқотмаган<sup>1</sup>, деб ёзади. Никоҳ тўйи жараёнида келин ва куёв томонлари ўртасидаги олди-берди одатлари эса Жонг Ёнг Сон, Ким Гёнг Ён ҳамда Ким Дик Соннинг ҳаммуаллифлигидаги ишларида ижтимоий алмашинув назарияси асосида таҳлил қилинган<sup>2</sup>.

Мазкур тадқиқотнинг алоҳида бир қисмини тақвимий маросимлар ташкил этади. Бу борада Канг Ук<sup>3</sup> ва Пак Дае Сун<sup>4</sup>ларнинг илмий ишларида корейс анъанавий тақвимий маросимлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Аммо, ушбу тадқиқотлар тавсифловчи хусусиятга эга бўлиб, уларда муаммони илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этишга етарлича эътибор қаратилмаган. Масалан, тадқиқотчи Жин Сонг Су корейс ва хитой халқларининг қишки маросимларини ўзаро қиёсий таҳлил қилар экан, кўплаб хитой урф-одатлари корейсларда қабул қилинмаганлигини исботлаб берган<sup>5</sup>. Муаллиф маҳаллий тақвимий маросимларга бутунлай корейсча нуқтаи назардан қараш кераклигини ҳам таъкидлаган эди.

Бундан ташқари, диссертация мавзусини атрофлича ўрганишда дунёдаги бошқа этник жамоалар билан корейсларни ўзаро қиёсий таҳлил қилган этнографик тадқиқотларга ҳам мурожаат қилинди<sup>6</sup>. Бироқ, бундай таҳлиллар, асосан, Шарқий Осиё халқлари билан чегараланган бўлиб, ўзбек ва корейсларга доир тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаганлиги айни ҳақиқат. Аммо, ўз навбатида Лим Ёнг Санг<sup>7</sup>, Жонг Хае Ин<sup>8</sup> ва Жанг Юн Су<sup>9</sup>ларнинг Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда яшовчи

<sup>1</sup> 임재해. 의례의 잔치판과 혼례의 여성주의적 판문화 주권 포착. 안동대학교 민속학연구소. 민속연구. 29집. – 2014.

<sup>2</sup> 정용선, 김경연, 김득성. 혼수의 사회적 의미 및 혼수가 결혼생활에 미치는 영향: 사회교환이론적 접근. 대한가정학회. Family and Environment Research. – 1995. – №33 (6).

<sup>3</sup> 강욱. 유두(流頭)의 세시풍속. 한국지방재정공제회. 지방재정과 지방세 제 18 권. 2009.; 강욱. 백중(百中)의 세시풍속. 한국지방재정공제회. 지방재정과 지방세 제 20 권. – 2009.; 강욱. 민속문화: 설날의 세시풍속. 한국지방재정공제회. 지방재정과 지방세. 25 권 0 호. – 2010.; 강욱. 김장의 세시풍속. 한국지방재정공제회. 지방재정과 지방세. 23 권. 2009.; 강욱. 동지의 세시풍속. 한국지방재정공제회. 지방재정과 지방세. 24 권. 2009.; 강욱. 입춘 새로운 봄의 시작. 한국지방재정공제회. 지방세. 2004 권 1 호. – 2004.

<sup>4</sup> 박대순. 한국의 세시풍속. 재단법인 아름지기. 아트선재센터. 03. 20. 2003.; 박대순. 한국의 세시풍속. 청소년민속강좌 (민속박물관 문화학교). 국립민속박물관. – 1995.

<sup>5</sup> 진성수. 한국의 겨울 세시풍속. 한국식품연구원. 식품문화 한맛한얼 제 4 권 4 호. – 2011.

<sup>6</sup> 김미영. 한국과 일본의 마을조직의 비교고찰. 안동대학교 민속학연구소. 민속연구. 4 집. 1994.; 박진태. 한·중 단오제의 비교 연구. 비교민속학회. 비교민속학. 제 37 집. 2008.; 안광선. 동아시아 단오 액막이 풍속 비교 연구. 관동대학교 인문과학연구소. 인문학연구. 16 집. 2012.; 노성환. 한일 중추절에 대한 비교연구. 대한일어일문학회. 일어일문학. 50 권. 2011.; 노성환. 한국의 백중과 일본의 오봉. 비교민속학회. 비교민속학. 제 35 집. 2008.; 박환영. 한·몽 출생의례의 비교민속학적 고찰. 비교민속학회. 비교민속학. 40 권. 2009.; 따르지 재벤, 구사회. 한국과 몽골의 산속 비교연구. 한국문화융합학회. 문화와융합. 38 권 6 호. 2016.; 몽크바트, 민하영, 윤은숙. 몽·한 태교 관습 비교 연구 시론. 강원대학교 인문과학연구소. 인문과학연구. 11 집. – 2003.

<sup>7</sup> 임영상. 우즈베키스탄 고려인의 전통명절과 문화콘텐츠: 단오축제를 중심으로. Studies of Korean Abroad. – 2009. – Vol. 20.

<sup>8</sup> 정해은. 우리나라의 전통 출생의례와 재외한인동포의 출생의례 비교연구 – 재중, 재일, 우즈베키스탄한인동포를 중심으로. 한국여성교양학회. 한국여성교양학회지. – 2007. – №16.

<sup>9</sup> 장윤수. 재외한인의 문화생활 비교. 한국외국어대학교 국제지역연구센터. 국제지역연구. – 2007.



корейс диаспорасининг маданияти, байрамлари ва фарзанд тарбиясига оид урф-одатлари ёритилган мақолалари мавжуд. Лекин, мазкур муаллифлар фақат хориждаги корейс диаспорасининг маҳаллий аҳоли ўртасида ўз миллийлиги ва ўзига хослигини қай даражада сақлаб қолганлигини ўрганишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган.

Корейсларда бўлгани сингари ўзбекларда ҳам анъанавий жамоа институти, оила ва никоҳ масалаларига жиддий эътибор қаратилган. Шунинг учун аксарият этнологик ва социологик тадқиқотларда мазкур масала кенг кўламда ўрганилган. Жумладан, мазкур муаммога бағишланган тадқиқотлар сирасига В. Наливкин ва М. Наливкиналар, О. Бўриев, У. Абдуллаев, А. Аширов, А. Қурбонов ва З. Расуловларнинг ишларини киритиш мумкин<sup>1</sup>.

Маълумки, XIX аср ўрталаридан бошлаб рус олимлари Ўрта Осиёни турли йўналишлар бўйича тадқиқ эта бошлаганлар. Тадқиқотчилар, асосан, маҳаллий аҳолининг тили, дини, урф-одатлари, кундалик турмуш тарзи, хўжалик машғулоти, худуднинг табиий ва иқтисодий имкониятларига эътибор қаратганлар. Жумладан, мазкур даврда Ўрта Осиё халқлари анъанавий турмуш тарзидаги оила-никоҳ муносабатлари муаммоси В. Наливкин ва М. Наливкиналар томонидан батафсил ўрганилган<sup>2</sup>. Хусусан, улар, жамоа ҳаётининг айрим масалаларига салбий муносабатда бўладилар. Масалан, «гап-гаштак»лар ҳақида тўхталар эканлар: “Бундай маросимлар аёллар ва ёшларнинг ахлоқий тарбиясига салбий таъсир этади”<sup>3</sup>, – деб таъкидлаганлар.

XIX асрнинг 70-йилларида ўзбеклар турмуш тарзи ҳақида, хусусан, катта патриархал оилада уруғ-жамоавий муносабатлар, хотин-қизлар аҳволи, никоҳ муносабатлари, қалин, уйланган ўғилларни ажратиш масалаларини А.Д. Гребенкин Зарафшон округи ўзбеклари мисолида қайд этар экан, айрим ўринларда жамоавий анъаналарга ҳам тўхталиб ўтган<sup>4</sup>.

Р.Я. Рассудова ўзининг «XIX – XX асрлар оралиғида Зарафшон ва Фарғона водийлари аҳолиси қишлоқ жамоаларида айрим ўзига хосликлар» номли мақоласида қишлоқ жамоалари турмуш тарзини тавсифлар экан, қишлоқ жамоасидаги яқин қариндошлар жамоаси «қорақозон» ҳақида

---

<sup>1</sup> Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань, 1886; Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий кадриялари. – Қарши, 2005; Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. – Самарқанд, 2008; Ўша муаллифлар: Ўзбек оиласи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012; Бўриев О., Саидов Б. Маҳалла – миллий тарихий институт. – Тошкент: Yangi pashr, 2012; Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент, 2005; Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътикод ва маросимлари. – Тошкент, 2007; Қурбонов А. Шимолий Сурхон воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйи билан боғлиқ маросим ва удумлари // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. “Академик Карим Шониёзов ўқишлари” туркумидаги V анъанавий Республика анжумани материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 236–240; Расулова З. Тошкент шаҳри ўзбекларининг никоҳгача бўлган маросимларининг хусусиятлари // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. “Академик Карим Шониёзов ўқишлари” туркумидаги V анъанавий Республика анжумани материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 244–247.

<sup>2</sup> Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы.. – С. 203.

<sup>3</sup> Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – С. 4.

<sup>4</sup> Гребенкин А.Д. Узбеки и мелкие народности Зеравшанского округа // Туркестанские ведомости. 1872, - №:42; Ўша муаллиф. Заметки о Когистане // Туркестанские ведомости. 1872. – № 25, 27, 30, 31, 32.

тўхталади. Муаллиф қорақозон тушунчаси орқали қишлоқ жамоаси учун «яқин қон-қариндошлар жамоаси» атамасини кўп ўринларда қўллайди. Ҳатто, бундай жамоа муаллиф фикрича, бир неча қишлоқ жамоаларини бирлаштирган<sup>1</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошларида ўзбекларда катта оиланинг ўзига хос хусусиятлари, оила ҳаётида қон-қариндошлик, уруғ-жамоавий муштараклик, катта оиланинг ўсиб худудий кўни-қўшни жамоага айланиши каби масалалар Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари мисолида О.Б.Бўриев тадқиқотида ўз аксини топган<sup>2</sup>. Т.Х.Ташбаева ўз диссертациясида қишлоқдаги замонавий ўзбек оиласининг турмуш тарзини ёритган<sup>3</sup>.

Анаъанавий маҳалла институти этнолог олималар З.Х. Арифханова ва Г.Ш. Зунуновалар томонидан ҳам махсус ўрганилган бўлиб, муаллифлар замонавий глобаллашув жараёнида жамоа институтлари яшовчанлиги ва улардаги ўзгаришларни Тошкент шаҳри маҳаллалари мисолида таҳлил қилишган<sup>4</sup>. Шунингдек, россиялик олим С. Абашин Фарғона водийси материаллари асосида замонавий ўзбек қишлоғидаги ижтимоий муносабатларни тадқиқ қилиш асносида, маҳалла жамоасига алоҳида урғу бериб, маҳалладаги «ошлаш», «мачитқавм» уюшмалари таркибидаги аъзоларнинг вазифаларини таҳлил қилган. Таниқли этнолог бундай муносабатларни ўзбек қишлоқларидаги замонавий ўзгаришлар, этномаданий жараёнларни ягона маҳалла ижтимоий институти негизида ўрганган<sup>5</sup>. Шу боис, анаъанавий ўзбек жамоасининг шаклланиши ва тарихий босқичлари, аҳолининг қишлоқ ва шаҳар этник муҳитига хос жамоавий турмуш тарзи ёки улар ўртасидаги тафовутлар масаласи муаллиф назаридан четда қолган.

Шимолий Фарғона қишлоқ жамоаси мисолида маъмурий бошқарув, оилавий маросимларни ўтказишда жамоанинг ўрни, аҳолининг хўжалик-маданий ҳаёти, умуман қишлоқ жамоасининг чорвачилик ва деҳқончиликка хос турмуш тарзи В.Б. Ҳақлиев тадқиқотларида<sup>6</sup>, шунингдек, Нурота воҳаси мисолида жамоа анаъаналари ҳам этнографик материаллар асосида тадқиқ

<sup>1</sup> Рассудова Р.Я. Некоторые особенности сельских общин Зерафшанской и Ферганской долины на рубеже XIX - XX вв. // Тез. докл. и сообщ по этногр. – Ташкент, 1973. – С. 38-39; Ўша муаллиф. Следы общинно-военной организации у узбеков // СЭ. – 1970. – № 1. – С. 111–117.

<sup>2</sup> Буриев А. Большая семья у узбеков на рубеже XIX - XX вв. (на этнографическом материале южных областей Узбекистана); Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Л., 1985. – С. 25; Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи. – Тошкент, 2012.

<sup>3</sup> Ташбаева Т.Х. Современная семья и семейный быт узбекского сельского населения: Автореф. дис. ... доктор. истор. наук. – М.-Т., 1994. – С. 49.

<sup>4</sup> Қаранг: Арифханова З.Х. Современная жизнь традиционной махалли Ташкента. – Ташкент, 2000 – 30 с.; Ўша муаллиф. Постсоветские трансформации в обрядово-ритуальной жизни узбеков (на материалах полевых исследований г. Ташкента) // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Тошкент, 2004. – С. 183 – 190; Ўша муаллиф. Семейная обрядность узбеков Ташкента на рубеже двух тысячелетий: постсоветские трансформации // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. V. – М., 2006. – С. 165 – 208; Зунунова Г.Ш. К вопросу о ритуальной обрядности узбеков (на материалах махалли г. Ташкента) // Ozbekiston tarixi. – Ташкент, 2002. – № 1. – С. 72 – 78.; Арифханова З.Х., Зунунова Г.Ш. Обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости. – Ташкент, 2006 – 92 с.

<sup>5</sup> Абашин С.Н. Социальные взаимоотношения в современном узбекском кишлаке (по материалам Ферганской долины): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – М., 1997. – С. 6 – 22.

<sup>6</sup> Ҳақлиев В.Б. Сельская община Северной Ферганы (конец XIX – начало XX века): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Т., 1998. – С. 13 – 16.

қилинган бўлиб, бу борада этнолог олимлар. Т.Ў. Салимов, А. Тоғаев ва Ф. Толиповлар тадқиқотларида воҳада яшовчи аҳоли этнографияси, этник тарихи ва маданиятини ўрганиш асносида минтақадаги анъанавий жамоа институтлари ва улар билан боғлиқ маҳаллий анъаналар таҳлил қилинган<sup>1</sup>.

Ҳозирги даврда замонавий ўзбек маҳаллалари хусусида баъзи хорижлик тадқиқотчилар ҳам изланишлар олиб боришган. Совет тузуми парчаланганидан сўнг анъанавий ўзбек маҳаллаларининг қайтадан тикланиши, уларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги иштироқи, жамиятда аёлларнинг фаолияти масалаларини француз тадқиқотчилари Борис Петрик ва Ҳабиба Фатҳилар томонидан ўрганилган. Хусусан, Борис Петрик Ўзбекистон мустақиллиги йилларида анъанавий ўзбек маҳаллалари фаолияти жамият ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар билан муштараклигига ва уни давлатнинг анъанавий ўзини-ўзи бошқариш институти эканлигига эътибор қаратган<sup>2</sup>. Ҳабиба Фатҳи эса мазкур масалаларни Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувида, оила ва жамият ҳаётида аёлларнинг тутган ўрни мисолида ўрганган<sup>3</sup>.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек ва корейс халқларининг анъанавий жамоа институтлари ҳамда миллий анъаналарининг трансформацияси тарихий-этнографик йўналишда ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-А1-ГО25 ПВ-2014-0911000555 “Ўзбеклар: этник тарих, маданият ва анъаналар” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Глобаллашув жараёнида ўзбек ва корейс халқлари жамоа институтлари ва миллий анъаналаридаги ўзгаришларни этнологик йўналишда очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек ва корейс халқларининг кундалик ижтимоий ҳаёти, анъана, маросим ва урф-одатларининг назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилиш натижаларини умумлаштириш, муаммони тарихшунослик нуқтаи назаридан илмий ўрганиш, урф-одат ва маросимларни таснифлаш;

ўзбек ва корейс жамоаларининг тузилиши, функцияси ҳамда вазифаларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

---

<sup>1</sup> Салимов Т.Ў. Нурота ва нуроталиклар. – Тошкент: Университет, 2019. – 184 б.; Тоғаев А.Р. Нурота воҳасида этномаданий жараёнлар (XX асрнинг I ярми): Тарих фан. ном. ... илмий даражасини олиш учун дис. – Тошкент, 2011; Толипов Ф.С. Нурота воҳаси аҳолиси оилавий турмуш тарзида жамоа анъаналари (XIX аср охири – XX аср биринчи ярми): Тарих фан. ном. ... дис. – Тошкент. – 2006, Ўша муаллиф.. Мозийга бўйлашган маскан (Гараша кишлоғи ҳақида тарихий-этнографик рисола). – Тошкент: Нихол, 2008. – 192 б.

<sup>2</sup> Petrik Boris Mathieu. La Redefinition du Pouvoir dans une sokciete Post- Sovetienique Lo Uzbekisnan. These de doktorat en ethnologie en antropologie sociale. – Paris, 2000-2001; Ўша муаллиф. Povoit don et reseaux en Ouzbekistan Post- Sovetienique. – Paris: Presses Universitaires de Franse, 2002.

<sup>3</sup> Fathi Habiba. Femmes dautrorite dans J Asie Centrale contemporaine. – Paris, 2004; Ўша муаллиф. Islamisme et pauvrete dans le monde rural de J Asie centrale. – Geneve: UNRISD, 2004; Ўша муаллиф. Роль женщины в ре-исламизации новой Центральной Азии // Женщины Центральной Азии. – 2003. – № 13. – С. 21 – 23.

ўзбек ва корейс халқларида оқсоқоллик институтига оид анъаналар ва трансформацион жараёнларни яхлит тарзда ўрганиш, объектив ва субъектив омиллар ҳамда глобаллашув жараёнлари таъсирида уларнинг ўзгаришлари даражасини очиб бериш;

икки миллатга хос бола тарбиясида жамоа (маҳалла) миллий анъаналаридаги умумий ва этнолокал хусусиятларни таҳлил қилиш;

никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларда ўзига хослик ва умумийликни ёритиб бериш;

ўзбек ва корейс халқларининг тақвимий маросимларидаги анъанавийлик ва ўзгаришларни этнологик аспектда ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объектини** глобаллашув жараёнида ўзбек ва корейс халқларида жамоа институти ҳамда миллий анъаналар трансформацияси ва уларнинг ўзига хос минтақавий хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** ўзбек ва корейс халқларида жамоа институти ҳамда миллий анъаналар трансформацияси билан боғлиқ қарашлар, урф-одат, анъана ва маросимлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихий-қиёсий, тавсифий ва қиёсий таҳлил ҳамда этнографик кузатув каби илмий тадқиқот усулларида кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек маҳалласи ва корейс маил институтининг маъмурий-худудий бирлик сифатида шаклланиш тарихи, уларнинг вазифаси (жамоа аъзоларини ўзаро бир-бирига ёрдам бериш ва ҳамкорликда фаолият олиб бориш), бошқарув усули, жамоа етакчиси – оқсоқолни тайинлаш мезонлари (катта ҳаётий тажриба, жамоада обрў-эътиборли ва эркак киши бўлиши) умумий эканлиги аниқланган;

ўзбек ва корейс халқларининг хўжалик ҳаёти ва турмуш-тарзи билан боғлиқ анъана (“ҳашар” ва “Дуре (두레)”, “Пумаши (품앗이)”)ларнинг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифасига кўра ўхшаш эканлиги тарихий манбалар ҳамда этнографик материаллар асосида очиб берилган;

ҳар икки халқ дунёқарашида оила доимо муқаддас ҳисобланган ва инсон ҳаётининг муҳим босқичлари билан боғлиқ маросим (суннат ва никоҳ тўйлари, Гуанре (관례, 冠禮) ва Гере (계례, 笄禮))лар моҳиятан оила ва жамоа ҳаётидаги муҳим иннициацион характердаги этнолокал анъаналардан ташкил топганлиги кўрсатиб берилган;

ўзбек ва корейс халқларининг ой ва қуёш тақвимига оид архаик қарашлари, тақвимий маросимлар (“обло барака”, “ялдо кечаси”, “наврўз”, “гимжанг”, “шингжонг”, “сол”)даги умумий хусусиятлар этнографик материаллар асосида далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва корейс халқлари жамоа институтларига оид илмий қарашлардан Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея Республикасида миллий мерос, миллатлараро муносабатларга махсус дастурлар, вебсайтлар ва хужжатли фильмлар яратишда фойдаланиш мумкин;

илмий тадқиқотда эришилган илмий хулосалар замонавий фан тармоқлари (антропология, диаспорология, тарих, тилшунослик, маданиятшунослик, этнология) йўналишида мутахассислар тайёрлаш ва инновацион ғояларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** глобаллашув жараёнида ўзбек ва корейс халқларида жамоа институтлари ҳамда миллий анъаналар трансформациясини ўрганишда тарихий-этнографик манбалар, илмий адабиётлар ҳамда замонавий ёндашувлардан фойдаланилганлиги, ҳолислик тамойилларининг қўлланилганлиги, халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти глобаллашув жараёнида ўзбек ва корейс халқларида жамоа институти ва миллий анъаналарни ўрганишда фанлараро ёндашув ва қарашлардан фойдаланиш ҳамда ишда қайд этилган маълумотлардан ўзбек ва корейс жамоатчилик анъаналарининг илдизлари қадимий эканлигини очиқ беришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илмий натижалардан олий таълим муассасаларида “Шарқ халқлари этнологияси”, Ўзбекистонда “Корея тарихи ва этнологияси”, Корея Республикасида “Диаспорология”, “Минтақашунослик”, “Тарбия” каби фанларини ўқитиш, миллатлараро толерантликка доир услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ҳар икки мамлакатда миллий сиёсат, миллатлараро муносабатларга доир давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек ва корейс халқларининг жамоа институтлари ва маросимлари бўйича бажарилган тадқиқот юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

ўзбек ва корейс халқларида маҳалла ҳамда маил жамоаларининг тузилиши ва вазифаларига кўра моҳиятан умумий эканлигига оид мулоҳазалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси Корейс миллий маркази фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 01-07-1415-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари полиэтник Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг такомиллашуви, турли этносларнинг миллий-маданий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, ёшларни миллий анъаналарга ҳурмат ва диний бағрикенглик ғоялари асосида тарбиялашга хизмат қилган;

ўзбек маҳалласи ва корейс жамоаларининг вазифаси (жамоа аъзоларини ўзаро бир-бирига ёрдам бериш ва ҳамкорликда фаолият олиб бориш), бошқарув усули билан боғлиқ илмий хулосалардан “Шарқ халқлари

этномаданияти”, “Корейс ва ўзбек халқлари этнологияси”, “Туркий халқлар антропологияси” каби махсус курслар ташкил этишда фойдаланилган (Ханкук чет тиллари университети Марказий Осиё институти (Жанубий Корея)нинг 2020 йил 24 августдаги маълумотномаси). Бу эса икки мамлакатдаги жамоа институтларининг шаклланиши, таркибий тузилиши, корейс ва ўзбек халқларининг анъаналари, оилавий ҳамда жамоавий маросимларини қиёсий таҳлил қилиш имконини берган;

ўзбек ва корейсларнинг анъанавий моддий маданиятини қиёсий таҳлил қилиш асносида икки миллат яшайдиган минтақаларда тарқалган маросимларнинг этнологик таҳлиliga оид хулосалардан Жанубий Кореядаги Марказий Осиё институти жорий нашрларида Ўзбекистон ва ўзбек халқининг тарихи ҳамда маданиятини кенг тарғиб этишда манбавий асос бўлиб хизмат қилган (Донгдук аёллар университети Евроосиё туркшунослик институти (Жанубий Корея)нинг 2020 йил 30 сентябрдаги маълумотномаси). Бу хорижда ўзбек тили, маданияти ва этнологиясини ўрганиш ҳамда оилавий ва тақвимий маросимларни этнографик материаллар асосида қиёсий тадқиқ этиш ҳамда ўзбек маданиятини Корея Республикасида кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 8 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (улардан 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда) мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба, адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 157 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти, предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти, илмий натижаларнинг жорий қилиниши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Ўзбек ва корейс халқлари жамоа институтлари: умумийлик ва ўзига хослик”** деб номланган биринчи бобида ўзбек ва корейс жамоаларининг тузилиши ҳамда вазифаси, шунингдек, оқсоқоллик институти: анъаналар ва ўзгаришларга доир маълумотлар акс этган.

Мазкур бобнинг **“Ўзбек ва корейс жамоаларининг тузилиши ҳамда вазифалари”** деб номланган биринчи параграфида Ўзбек ва корейс халқларининг анъанавий институтлари ҳисобланган маҳалла ва Маил (마을) жамоаларининг тузилиши ва вазифасини ўзаро қиёсий тадқиқ қилишда мазкур бирлашмаларнинг икки халқни кундалик турмуш тарзи ҳамда маданиятида тутган ўрнини этнографик материаллар орқали ўрганиш мақсад қилиб қўйилган.

Корейсларда анъанавий жамоавий институтлар узок тарихга эга бўлиб, уларнинг Маил жамоаси ҳам ўзбек маҳалласига ўхшаш кичик маъмурий-худудий бирлик ҳисобланади. Маил тарихан корейслар ижтимоий ҳаётининг асосий бирлиги ва шахснинг жамоадаги ижтимоий ўрнини ўрганишда бирламчи манба ҳисобланган. Шунингдек, Маилни ташкил этиш тамойили ва маданий тартиби индивидуал шахснинг хатти-ҳаракатига сезиларли таъсир кўрсатиб келганлиги учун ҳам у корейслар орасида машхур бўлган. Шу тариқа, Маил корейс жамоаси сифатида жамиятда унинг ўрни ўзгача бўлган<sup>1</sup>.

Ўзбек маҳалласи одатга кўра, кўни-кўшнилардан иборат жамоа бўлса, корейс Маиллари эса, асосан, икки йўл билан шаклланган. Биринчиси, “қондошлик” йўли билан вужудга келган бўлиб, бундай тузилма Дўнгсонг Маил (동성마을) деб аталган. Ушбу Маилнинг аъзолари битта фамилияли, яъни бир уруғдан келиб чиққан бўлиб, улар ўз жамоасининг ҳукмрон синфида бошқа уруғдан бўлган аъзоларига бошчилик қилган. Аммо, бир уруғлар гуруҳланиб яшаган жамоаларнинг барчаси ҳам ушбу Маил қаторига кира олмаган. У ўз уруғи, яъни халқда асосий роль ўйнаган киши бўлиши шарт бўлган. Шу боис Дўнгсонг Маилнинг аъзолари зодагонлардан бўлган.

Бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида мазкур минтақага хос бўлган анъанавий жамоа институтига эътибор кучайиб бормоқда. Чунки, глобаллашув жараёнида замонавийлик жамиятга ижобий натижаларни олиб келиши билан бир қаторда, турли ижтимоий муаммоларни ҳам вужудга келтирмоқда. Шу боисдан ҳам ўтмишдан хулоса чиқариб, бугунги кунда

---

<sup>1</sup> Ушбу бобда муаллиф мазкур жамоани корейсча “Маил” деб қайд этади, аммо Маил билан маҳалла деярли бир тушунчага эга бўлганлиги учун кейинги бобларда эса “корейс халқининг маҳаллалари” деб ифодалади.

пайдо бўлган турли муаммоларни ҳал этиш мақсадида замонавийликни ҳолис баҳолаш ва маҳаллий жамоа институтини қайта тиклашга ҳаракат қилинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, маҳалла ва Маил жамоалари бугунги кунда ҳам ўзбек ҳамда корейс халқларининг энг муҳим маскани бўлиб, ҳар икки халқнинг жамоатчилик ҳаётини давом эттириб келмоқда. Ушбу икки жамоа ҳеч қачон ҳар икки халқнинг тарихидан олиб ташланмади ёки йўқолиб кетмади. Бу эса ўзбек ва корейс жамиятларида ушбу жамоаларнинг ўзига хос ўрни бор, деган хулосага ундайди. Шу боисдан ҳам маҳалла ва Маил жамоаларини ўз халқларининг ўзига хос ментал хусусиятларининг бешиги деб баҳолаш мумкин.

Мазкур бобнинг **“Оқсоқоллик институти билан боғлиқ анъаналар ва ўзгаришлар”** деб номланган иккинчи параграфда ўзбек ва корейс халқларида жамоа аъзоларининг розилиги асосида тайинланиб, қишлоқ ҳамда шаҳарда ҳам ижтимоий хўжалик ишларига раҳбарлик қиладиган шахснинг жамият ички ҳаётидаги ўрнига доир масалалар ёритиб берилган.

Маълумки, қадимдан барча халқлар жамоа бўлиб яшаган ва инсонлар ҳаёт кечиринида ўзига муносиб умумий йўлбошчига эҳтиёж сезган. Шунинг учун ҳам ибтидоий жамият давридан бошлаб уруғ-жамоалар етакчиси – оқсоқол фаолият кўрсатган. Инсониятнинг қадим аجدодлари оқсоқол етакчилигида маълум тартиб-интизом ва қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаган. Айнан оқсоқол бошчилигида жамоада табиий равишда турли жамоавий тартиб-қоидалар шакллана бошлаган.

Мустамлака даврида ўзбек ҳамда корейс халқларида “оқсоқоллик институтига ёрдам ва кўмак кўрсатиш” деган мақсад билан “Маҳалла кўмитаси” ва “Мён кенгаши” таъсис этилди. Маҳалла кўмитаси – раис (оқсоқол), раис муовини, котиб ва 2–3 нафар ходимдан иборат бўлиб, совет ҳукумати томонидан ўзбек халқининг анъанавий ташкилоти сифатида қайд қилинди. Лекин, ҳақиқатан ҳам ушбу даврдаги маҳалла кўмитаси аҳолининг ҳаётини қатъий назорат қиладиган янги турдаги совет бошқарув шаклининг бир кўриниши эди, холос. Мён кенгаши эса япон ҳукуматининг Кореяда маъмурий-худудий бирликларни қайта ташкил этиши билан ҳар бир Мёнда уюштирилди. Кенгаш аъзолари ўзига тегишли ҳудудда истиқомат қиладиган 8–14 нафар шахсдан иборат эди. Шу боис Мён кенгашининг тузилиши корейсларда “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимини ўрнатишнинг дастлабки босқичи”, деб тарғибот қилинди. Аммо, Мён кенгаши ҳам, маҳалла кўмитаси ҳам аслида мустамлакачилик сиёсатини маҳаллий аҳолига ўтказиш мақсадида ташкил этилган ташкилотга айланди.

Маҳалла кўмитаси ўзбекларнинг кундалик ҳаёти, ижтимоий фикри ва аҳолининг юриш-туришини назорат қиладиган органга айланди. Улар мафкуравий тарғиботлар воситаси орқали маҳаллада яшовчиларни ижтимоийлашувига ёрдам берадиган маъруза ва семинарларни ташкил этди. Шунингдек, милиция билан биргаликда ишлаб, яшаш жойи ҳақида маълумотномалар тайёрлаб, айрим вазиятларда маҳаллий харитани тузиш орқали совет ҳукуматида аҳолининг оилавий таркиби ва маҳалла тузилишини



тушунтиришга кўмаклашди<sup>1</sup>. “Совет” деган номга айнан мос келган маҳалла кўмитасининг биноси турли хил шиорлар ва Коммунистик партия раҳбарларининг портретлари билан безатилди. Маҳалла кўмитаси шаҳар, район (туман) ҳокимиятига маҳалланинг бутун фаолияти тўғрисида батафсил ҳисобот бериб, совет ҳукуматининг маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаётига аралашishi ва назорат қилишига имкон берувчи воситага айланди. Натижада, XX асрнинг 30- йилларидаги сиёсий қатағонлар даврида оқсоқоллик расман жамият институти сифатида тугатилди. Мазкур даврда маҳалла кўмитаси раиси (оқсоқоли) жамоатчилик асосида урф-одат ва маросимларни тартибга солувчи, хонадонларда тўй ўтказиш саналарини белгиловчи, турли идоралар муружат қилганда эса, фуқароларга яшаш жойи тўғрисида маълумотнома ёзиб берувчи котиб даражасида эди. Бироқ, оқсоқоллик институтининг унсурлари батамом йўқолиб кетмай, халқ психологиясида унга бўлган мойиллик сақланиб қолди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, дунё бўйича глобаллашув ва ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида турли этник жамоалар орасида ўзаро бегоналашиш ҳамда индивидуализмнинг кучайishi ҳолатлари кузатилмоқда. Ўз навбатида, мазкур ҳолат жамоатчилик ҳаёти сустлашишига сабаб бўлмоқда. Айнан шу каби замонавий ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ўзбек ва корейс халқларидаги ҳозирги оқсоқоллик институтининг янги вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис ҳозирги оқсоқоллик институти инсонийлик хислатларини ўз ичига олиш билан бирга, кишиларни жамоавий тарзда жипслаштириш ва анъанавий жамоанинг тарбиявий хусусиятларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратмоқда<sup>2</sup>.

Диссертациянинг **“Оилавий маросимлар тизимида жамоа институти: анъанавийлик ва ўзгаришлар”** деб номланган иккинчи бобида бола тарбиясида жамоавий ва миллий анъаналардаги эврилишлар ҳамда никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларда ўзига хослик ва умумийлик масалалари тадқиқ қилинган.

Ушбу бобнинг **“Бола тарбияси билан боғлиқ миллий анъаналардаги ўзгаришлар”** деб номланган биринчи параграфидида ўзбек ва корейс халқларининг фарзанд тарбияси билан боғлиқ жамоавий анъаналари таҳлил қилинган. Маълумки, фарзанднинг дунёга келиши ўта мураккаб ва машаққатли жараёнлардан иборат бўлганлиги сабабли, жамоанинг жипслиги ҳамда ҳамкорлигига доим жуда кучли эҳтиёж сезилган. Шу боисдан фарзанд туғилиши билан боғлиқ жараёнлар жамоанинг ижтимоий муносабатларини ихчамлаштириб кўрсатадиган ҳодисалардан бири, деб ҳам тушунилади. Азалдан ўзбек ва корейслар орасида бола туғилиши ҳамда уларни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш нафақат ота-она, шу билан бирга бутун жамоанинг мажбурияти ҳисобланган.

<sup>1</sup> Suda, Masaru. The Politics of Civil Society, Mahalla and NGOs: Uzbekistan. Ieda Osamu and Uyama Tomohiko (Eds.), Reconstruction and Interaction of Slavic Eurasia and Its Neighboring Worlds. Sapporo: Slavic Research Center, 2006. – P. 349–350.

<sup>2</sup> Эркаев А. Оқсоқол... – Б. 20–21.

Ўзбекларда оила жуда муқаддас саналиб, бошқа мусулмон халқлари каби оила қуриш ва фарзандли бўлиш ҳар бир инсоннинг бурчи ҳисобланган. Шу сабабли, фарзанд туғилишига “Оллоҳнинг буюк неъматиди” сифатида қаралиб, ҳомилани йўқ қилиш қораланган<sup>1</sup>. Корейларда ҳам фарзанд туғилиши муқаддас бурч сифатида оила учун ҳам, жамоа учун ҳам қувончли ҳодиса ҳисобланган.

Ўзбеклар ҳам чақалоқнинг соғ-саломатлиги, табиати ва феъл-атвори туғилмасдан аввалроқ шаклланишини яхши тушунганлар. Шу сабабли жамоа аъзоларидан ҳомиладор аёлга нисбатан яхши муомалада бўлиш, унга алоҳида ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш каби талаблар мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳар икки халқда фарзанд кутаётган бўлажак ота-оналарга чекланган хатти-ҳаракатлар, ўзини тутиш меъёрлари ва жамоага қўйилган талабларда айрим ўхшашликлар кузатилади.

Фарзанд туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ табу ва тақиқлар ўзбек ҳамда корейларнинг маънан ва жисмонан соғлом ота-оналарни тайёрлашга қаратилган миллий ҳамда анъанавий таълим-тарбияси маҳсули ҳисобланган. Демак, ҳар икки халқда ҳам бола тарбияси гўдакнинг ҳомилалик давридан бошланган. Гарчи, таомга тааллуқли табулар илмий жиҳатдан асоссиз ва исботланмаган бўлса-да, туғилажак бола учун бўлғуси онанинг сифатли таомлар тановул қилиши, ножўя ҳаракатлардан ўзини тийиши ҳамда камсуқум бўлиши бугунги кунга келиб илмий жиҳатдан ҳам юқори баҳоланмоқда<sup>3</sup>. Чунки, турли хил дори-дармон, сигарет ва алкоголь каби соғлиқка зарарли маҳсулотлардан ўзини тийишдан қийналаётган замонавий ота-оналарга сабоқ вазифасини ўтамоқда.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ҳар икки халқнинг урф-одат ва анъаналари замон талабига мослашиб ўзгариб бораётган бўлишига қарамай, ёш авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш доимо бутун аҳолининг эътиборида бўлади.

Иккинчи бобнинг **“Никоҳ тўйи маросимларида умумийлик ва ўзига хосликлар”** деб номланган кейинги параграфида иккала этносда никоҳ тўйи билан боғлиқ маросим ва урф-одатлар алоҳида ижтимоий мазмунга эга бўлиб, шахслараро муносабатларни таъминловчи муҳим алоқа воситаси сифатида қайд қилинган<sup>4</sup>.

Маълумки, дунёнинг кўпгина халқларида турмуш ўртоғини танлаш услубига кўра, никоҳни икки хил турга бўлиш кенг қабул қилинган; “севги никоҳи (*love marriage*)” ва “келишилган никоҳ (*arranged marriage*)”. “Севги

<sup>1</sup> Ҳамроқулова Б. М. Сурхондарё воҳасида бола туғилиш ва тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фан. номз.... дис. – Тошкент, 2002. – Б. 24–25.

<sup>2</sup> Дала ёзувлари. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Шайх Шиблий маҳалласи. 2014 йил.

<sup>3</sup> Таомга боғлиқ табу бугунги кунда анча сусайиб кетгани рост. Сабаби, одамлар ушбу нарсалардан кўра, тиббиёт нуқтаи назарида соғлиққа зарари тасдиқланган алкоголь, сигарет ва дори-дармондан бош тортишни афзал, деб билади. Аммо, ҳали ҳам халқ томонидан табу қўйилган таомларга нисбатан эҳтиёткорлик ҳисси ҳам мавжуд. 김지현, 이옥희. 산속(産俗)의 지속과 변화 연구. 전남대학교 호남학연구원. 호남문화연구. 제 32 권 0 호. – 2003. – 156 쪽.

<sup>4</sup> Тошева Г. С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз.... дис. – Тошкент, 2002. – Б. 83.

никоҳи” – йигит ва қиз бир-бирини севишиб, ота-онанинг розилиги билан ёки розилигисиз қурилган никоҳларни англатади. “Келишилган никоҳ” эса икки оила ўртасидаги келишувга асосланиб ташкил топган никоҳлар бўлиб, бунда турмуш ўртоғини танлаш ҳуқуқи икки ёшга эмас, ота-она, бува-буви ёки яқин қариндошлар каби оила аъзоларига топширилади. Яъни, ушбу никоҳ тури патриархал оила ва эрта турмуш қуриш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, фарзандларни уйлантириш ота-онанинг бурчи ҳисобланадиган жамиятда кўп учрайди. Жумладан, ўзбек ва корейс халқларида ушбу турдаги никоҳ идеал ҳисобланиб, одат тусини олган. Шу сабабли ҳар икки халқда ҳам ёшлар тўй куни бир-бирини илк маротаба кўрган ва ота-она фарзандларининг ёшлигидан унинг жуфтини танлаб қўйган ҳолатлари тез-тез учраб турган<sup>1</sup>. Шу муносабат билан ўзбек ва корейсларда ёшларнинг ихтиёрий равишда турмуш ўртоғини танлаб, оила қуриши уятли ҳолат ҳисобланиб, никоҳ қуриш учун икки оила ўртасига воситачи сифатида учинчи томон аралашган. Айнан ушбу жиҳат “келишилган никоҳ”нинг ўзига хос хусусияти саналади.

Ушбу бобга хулоса қилиб айтганда, асрлар давомида ўзбек ва корейсларда никоҳ-оила ташкил топиши билан боғлиқ маросим бўлганлиги ҳамда оила-жамиятнинг асосий бўғини эканлиги сабабли, никоҳ жараёнида жамоа доимо фаол иштирок этган. Шунингдек, патриархал жамиятлиги учун “келишилган никоҳ” кенг тарқалиб, иккала халқда ҳам оила қуриш икки ёшнинг хоҳиш-истакларига эмас, балки оиланинг манфаатларига асосланган ҳолда оилавий қарорларга қараб амалга оширилган. Аммо, шунга қарамай, ўзбек ва корейс никоҳ тўйларининг ҳар бир босқичида ўтказиладиган урф-одатлар турлича бўлса-да, лекин барчаси моҳиятан жамоатчилик ҳаётига қаратилганлигидан иккала халқ ўртасида умумийлик кузатилади. Бироқ, глобаллашув ва шаҳарлашиш жараёнлари натижасида ҳар икки халқнинг турмуш тарзида кўплаб ўзгаришлар содир бўлди. Натижада, ўзбек ва корейсларнинг миллий ва анъанавий қадриятлари, шу жумладан, жамоатчилик ҳаётининг қадр-қимматига маълум маънода путур етди.

**Диссертациянинг “Тақвимий маросимларнинг йиллик цикли ва маҳаллий хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида ўзбек ва корейс халқларининг баҳорги маросимлари: анъанавийлик ҳамда ўзгаришлар, ёз ва куз фасллари билан боғлиқ тақвимий анъаналардаги умумийлик ҳамда ўзига хосликлар, қиш фасли билан боғлиқ урф-одатларда анъанавийлик ва ўзгаришларнинг бугунги кундаги кўринишлари таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг **“Ўзбек ва корейс халқларининг баҳорги маросимлари”** деб номланган биринчи параграфида ҳар бир халқнинг аждодлари истиқомат қилган ҳудуднинг географик ҳолати, жумладан, мазкур минтақанинг иқлими ва қўлланиладиган тақвим тизими катта таъсир кўрсатиб, аҳолининг табиатга бўлган илоҳий муносабати, Шарқ халқлари,

---

<sup>1</sup> Корейсларда “келишилган никоҳ” – Чосон давридан буён кенг тарқалган. Чосонда конфуцийлик таъсири кучайиб борганлиги сабабли конфуций маданиятга кўра, йигит ва қизларнинг эркин танишуви қатъиян ман этилган. Шу сабабли ушбу даврдан буён ҳар икки оиланинг келишувига асосланиб фарзандларни уйлантириш корейс халқининг оддий ва одатий никоҳ турига айланиб улгурган.

жумладан, ўзбек ва корейсларнинг тақвимий маросимларининг ҳам ўзига хос тарихи мавжудлиги ҳақида сўз юритилади.

